

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10802639>

Абишов Генжебай Матжанович

Қорақалпоқ давлат университети

Қорақалпоқ тилишүнослиги кафедрасы доценти, (PhD)

Аннотация. Топонимлар географик объектларни бир-бираидан ажратиб турувчи номинатив вазифаны бажаради. Бу мақолада Қорақалпоғистондаги миллат ва урuf номларидан ясалган этнотопонимлар үрганилган. Унда қорақалпоқларнинг Ўн тўрт ариси ва Қўнғирот арисига тегишили этнонимларнинг топонимлар таркибида келиши гуруҳларга ажратиб таснифланган.

Таянч тушунчалар: этноним, топоним, этнотопоним, Ўн тўрт ариси, Қўнғирот ариси.

О НЕКОТОРЫХ ЭТНОТОПОНИМАХ КАРАКАЛПАКСТАНА

Абишов Генжебай Матжанович

Каракалпакский государственный университет

Доцент кафедры каракалпакского языкознания, (PhD)

Аннотация. Топонимы выполняют номинативную функцию отделяющая географические объекты друг с друга. В этой статье изучены этнотопонимы Каракалпакстана, образованные от названий нации и племён. В ней по группам классифицируется встречаемость в топонимах этнонимов, принадлежащих к Онторт арису и Кунградскому арису Каракалпаков.

Ключевые слова: этноним, топоним, этнотопоним, арис Үн турт, арис Кунгирот.

ABOUT SOME ETHNOTOPONYMS OF KARAKALPAKSTAN

Abishov Genzhebai Matzhanovich

Karakalpak state university, Associate professor of the department of Karakalpak linguistics, PhD

Annotation. Toponyms perform a nominative function separating geographical objects from each other. This article examines the ethnotoponyms of Karakalpakstan, formed from the names of the nation and tribes. In it, the occurrence of ethnonyms

Keywords: ethnonym, toponym, ethnotoponym, On turt arisi, Kungirot arisi.

Бизни ўраб турган ҳудудда кўп географик объектлар бор. Улар бир-биридан ўзининг ташқи тузилиши, тури, ранги, сони, жойлашув ўрни, маълум бир тарихий воқеаларга алоқадорлиги билан ажралиб туради. Улар шу белгиларига қараб маълум бир атамалар билан номланган. Албатта, бу номлар қандайда бир сабабларга асосланиб қўйилади. Улар ономастикада *топонимлар* деб аталади.

Қорақалпоғистон топонимиясида этнонимлардан ясалган топонимлар салмоқли ўрин эгаллайди. Улар уруғ, халқ ва миллат номлари асосида шаклланган географик объектларнинг атамалари бўлгани учун этнотопонимлар деб аталади.

Этнонимлар тилдаги эски топонимик қатламлардан ҳисобланади. Улар географик объектларнинг маълум бир этник групга тегишли эканлигини ва шулар билан алоқадорлигини билдиради.

Бошқа туркий халқлар сингари қорақалпоқ халқи ҳам маълум бир уруғ ва қавмлардан ташкил топган. Уруғлар ўзаро яқинлиги жиҳатидан бирлашиб қавмни тузган, қавмнинг таркибида бир неча уруғлар бўлган. Этнонимлар билан аталган географик объектларнинг номлари қорақалпоқ халқи тарихи билан алоқадор. Этнонимлар билан топонимларнинг бир-бiri билан тиғиз алоқаси кўпчилик тилларга хос. Шу сабабли бу масала кўпчилик олимларнинг диққатини ўзига тортди. Қайсиdir бир жойнинг топонимиясини ўрганишда этнонимларнинг ўрни катта.

В.А.Никоновнинг фикрича, этнонимлар халқнинг этник мансублигини ажратувчи белги вазифасини бажарадиган жойлардагина этнонимга айланади. [13:3]. Шунингдек, А.И.Попов “Этнонимика топонимика билан жуда яқин алоқада, сабаби этник атамалар кўпинча топонимлардан, топонимлар эса уруғ, эл, халқ атамалари асосида ясалади” деб кўрсатади. [14:7].

С.Қораев Қорақалпоғистон топонимиясининг 1/5 қисмини этнотопоним ташкил қилишини айтади. У Қорақалпоғистонда Ақмаңғыт аўыл, Айтеке аўыл, Сарман аўыл, Тоңмойын аўыл, Ғарға аўыл, Қаңғыл аўыл, Нөкис аўыл этнотопонимларининг бор еканини кўрсатиб ўтган. [11:190-191].

Географик объектларнинг атамалари унга хос бўлган характерли белгисига қараб берилади. Республика ҳудудидаги этнотопонимларнинг пайдо бўлиши шу географик объектларнинг атрофида яшаган, ундан фойдаланган ёки шу объектнинг пайдо бўлишида тўғридан-тўғри қатнашган миллат, қавм, уруғ билан алоқадор.

Биз этнотопонимларни ўрганиш орқали мазкур халқнинг тарихи, этнографияси, этник жиҳатдан юзага келиши ва географияси ҳақида маълумот оламиз. Миллат ёки уруғ номлари топонимларни ҳосил қилиб, шу ҳудудда яшовчи халқнинг этник тарихи ҳақида маълумот беради. Бироқ айрим ҳолларда этноним бўлиб ҳам, антропоним бўлиб ҳам келадиган атамалар бор. Уларни ўрганишда номнинг семантикасига

эътибор берилади. Масалан, Чимбой туманинг ҳудудида жойлашган Сарманжап антропогидроним вазифасида қўлланилади.

Этнонимлар ҳар хил жой номлари таркибида учрайди ва Қорақалпоғистон топонимикасининг катта қисмини ташкил этади. Бу ҳудудда қорақалпоқ, ўзбек, қозоқ, туркман, рус ва корейс миллати номларидан ясалган этнотопонимлар учрайди.

Биз бу мақолада қорақалпоқ уруғ номларидан пайдо бўлган этнотопонимларни қўйидагича 2 гуруҳга ажратамиз.

Ўн тўрт ариси уруғларининг номи билан пайдо бўлган этнотопонимлар республика ҳудудида жуда кўп учрайди. Сабаби, Ўн тўрт арисига кирадиган уруғлар Қорақалпоғистоннинг кўпгина ҳудудларида жойлашган.

1. Қитой уруғига кирадиган уруғ номларидан қўйидаги этнотопонимлар пайдо бўлган: *Шериўши әўлийе, Бессары әўлийе, Бексыйық аўыл, Айтеке аўыл, Қуйын аўыл, Қайшылы аўыл, Аралбайжап, Мәнжиўли жап, Анна аўыл, Қырқ салма Боқлықтай, Қазаяқлы аўыл*.

2. Қипчоқ уруғига тегишли уруғ номлари топоним ясашда қатнашган: *Салтыр аўыл, Майлыбалта аўыл, Қаңлы салма, Санмурин аўыл, Жәдикжап, Қыпшақ аўыл*.

3. Кенегес уруғига кирадиган уруғ номларидан оймаўыт, ақтоғын, абас, нөкис, кенегес, ғарға, мынжыр номи билан ясалган этнотопонимлар учрайди. Масалан, *Оймаўытжап, Ақтоғын аўыл, Аббас аўыл, Нөкис аўыл, Мынжыр аўыл, Кенегес аўыл, Ғарға аўыл*.

4. Манғит уруғи таркибидаги тоңмойын, жаманша, шўйт, тазжанлық, арсары, жанлықмаңғыт, аршан, ақмаңғыт, қарасыйрақ, қарамаңғыт, ушбас каби уруғ номлари топонимларда учрайди: *Жаманша әўлийе, Қарасыйрақ аўыл, Арсары аўыл, Шўйтжап, Тазжанлық, Жанлықмаңғыт, Тоңмойын аўыл, Қарамаңғыт аўыл*.

Қўнғирот арисига кирадиган уруғ номларидан пайдо бўлган этнотопонимлар ҳам фаол қўлланилади. Қўнғирот ариси Шўллик ва Жаўынғыр бўлиб катта икки гуруҳга бўлинади. Улардан Шўллик гуруҳига кирадиган қарамойын, қостамғалы, қолдаўлы, бескемпир, жәримбет номларидан пайдо бўлган этнотопонимлар учрайди: *Жәримбет аўыл, Бескемпир аўыл, Қостамғалы аўыл*.

Қорақалпоғистон топонимиясида бошқа халқларнинг номи билан аталган жой номлари ҳам бор, лекин камчиликни ташкил этади. Бу ҳудудда қорақалпоқ уруғи номларидан ташқари, ўзбек, рус, корейс, қозоқ ва туркман миллати номлари билан аталган этнотопонимлар ҳам қўлланилади: *Орыс әўлийе, Карисжап, Қазақой, Қазақ аўыл*.

Шундай қилиб, этнонимлар асосида шаклланган топонимлар Қорақалпоғистон топонимиясида фаол учрайди. Этнотопонимларнинг кўп қисми қорақалпоқ уруғ-қавм тузилишига кирган ёки шу ҳудудда яшаган халқларнинг номи билан аталган. Уларни ўрганиш орқали шу ҳудуддаги халқнинг этник таркиби ҳақида муҳим маълумотлар олса бўлади.

ӘДЕБИЯТЛАР:

1. Abishov G. Research of karakalpak folk riddles // International Multidisciplinary Research in Academic Science (IMRAS)/ Volume 6, Ussue 08, December (2023). – P. 36-45.
2. Abishov G., Sarsenbaeva B. Muratboy Nizonovning «Aqshagul» asaridagi troplarning qo'llanilishi // Международный научно-образовательный электронный журнал «Образование и наука в XXI веке». Выпуск №17 (том 3), 2021.
3. Абишов Г. Название «Чимбай» в Каракалпакстане // Вестник Челябинского государственного университета, 2019. №1. –С.7-11.
4. Абишов Г. Антропонимические элементы в составе топонимов // Вестник Российского университета дружбы народов. Серия: Теория языка. Семиотика. Семантика. 2017, том 8, № 2. – С. 335-340.
5. Абишов Г. Қарақалпақстан оронимлериниң лексика-семантикалық өзгешелиги бойынша түрлери // Қарақалпақ мәмлекеттік университеттің Хабаршысы журналы, 2021. – №3. –Б. 234-238.
6. Абишов Г. Қарақалпоғистон оронимлари тадқиқи // «Ilm sarchashmalari» Urganch davlat universitetining ilmiy-metodik jurnalı, 2021. – № 10. –Б.155-157.
7. Абишов Г. Шымбай районындағы қоспа топонимлердин дүзилисі // «VII Глобальная наука и инновации 2019: Центральная Азия». Международный научно-практический журнал. Нур-Султан, Казахстан, 2019. – Б. 217-219.
8. Абишов Г. Шымбай районындағы қоспа түрдеги айырым топонимлер // ӘзРИА Қарақалпақстан филиалының “Хабаршы” журналы, 2016. – №3. –Б. 155-157.
9. Абишов Г. Шымбай топонимлери халық қосықларында // «Илим ҳәм жәмийет» журналы, 2018. – №3. – Б. 15-16.
10. Абишов Г., Сарсенбаева Т. Шымбай районындағы аффиксли ҳәм аффикссиз топонимлер // «Global science and innovations 2019: central Asia» атты V Халықаралық ғылыми-тәжірибелік конференция жинағы.VIII том. – Астана, 2019. – Б. 41-44.
11. Қораев С. Ўзбекистон вилоятлари топонимлари. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. –Тошкент, 2005.
12. Насыров Д.С. Становление каракалпакского общенародного разговорного и его диалектная система. – Н-К, 1976.
13. Никонов В.А. Введение в топонимику. – М.: Наука, 1965.
14. Попов А. И. Названия народов. – М-Л., 1965.